



## ЁШЛАРНИНГ ЁШ ГУРУХИНИ ЎРГАНИШДА ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВЛАР

**Асқарова Мұхаббат Ибрахимовна**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги  
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий  
асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази

ORCID: 0009-0002-0121-7925

[muxabbat.asqarova@bk.ru](mailto:muxabbat.asqarova@bk.ru)

**Аннотация.** Мақолада ёшларнинг ёш гурӯҳларини ўрганишда тарихий, социологик, психологияк, физиологик, демографик, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ёндошувлар ўрганилган ва таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** тарихий ёндошув, социологик ёндошув, психологик ёндошув, физиологик ёндошув, демографик ёндошув, инсон умри, ретроспектив ўрганиш, аҳолишунослик.

## МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫЕ ПОДХОДЫ К ИЗУЧЕНИЮ ВОЗРОСТНЫХ ГРУПП МОЛОДЕЖИ

**Асқарова Мұхаббат Ибрахимовна**

Научно-исследовательского центра  
«Научные основы и проблемы развития  
экономики Узбекистана» при Ташкентском  
государственном экономическом университете

**Аннотация.** В статье изучаются и анализируются исторические, социологические, психологические, физиологические, демографические, правовые и социально-экономические подходы к изучению возрастных групп молодежи.

**Ключевые слова:** исторический подход, социологический подход, психологический подход, физиологический подход, демографический подход, продолжительность жизни человека, ретроспективное исследование, популяционные исследования.

## INTERDISCIPLINARY APPROACHES TO THE STUDY OF YOUTH AGE GROUP

**Askarova Mukhabbat Ibrahimovna**

Research center «Scientific bases and issues of  
economic development of Uzbekistan » under the  
Tashkent State University of Economics

**Annotation.** In the article, historical, sociological, psychological, physiological, demographic, jurisprudential and socio-economic factors in the study of young people have been studied and analyzed

**Key words:** historical approach, sociological approach, psychological approach, physiological approach, demographic approach, human life expectancy, retrospective study, population studies.

### **Кириш.**

Ёшлик – бу барада инсонлар армон билан эслайдиган давр сифатида шоирлар ва адиблар томонидан ифодаланилса, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар қолган умрлари ёки келажаги учун мұхым ақамяттаға зәға бўлган қарорларни қабул қилиш ёши сифатида изоҳланади. Чунки бу ёшда касб танлаш учун бир қарорга келиш, ўз касбини эгаси бўлиш учун интилиш ҳар бир ёшнинг келажакдаги режаларига асосий йўлни белгилайди.

Ёшлик, шунингдек, “ёш бўлган кишига хос бўлган ташқи кўриниш, куч-куват, рух ва бошқалар” билан ҳам бошқа ёш гурухларидан фарқланади. Унинг маълум бир ёш оралиғидаги таърифлари турлича бўлади, чунки ёшлик хронологик жиҳатдан маълум ёш оралиқларига боғланиши мумкин бўлган босқич сифатида белгиланмаган. Ёшлик - бу шахснинг қарамалик даражасини шакллантириши мумкин бўлган тажриба бўлиб, у турли маданий нуқтаси назарларга кўра турли йўллар билан белгиланиши мумкин. Шахсий тажриба инсоннинг маданий меъёрлари ёки урф-одатлари билан белгиланади, ёшларда эса уларнинг оиласига ҳиссий ва иқтисодий жиҳатдан қанчалик таянишини англатади.

Шунинг учун бўлса керак, ҳар қандай тузумда, ҳар қандай ҳалқ тараққиётида ёшлар ҳалқ истиқболини белгилайдиган омил, миллат давомчиси сифатида жамиятда алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун сўнгги йилларда давлат ҳокимияти органлари замонавий ёш авлодни шакллантиришга янгича ёндашувларга қўпроқ эътибор қаратмоқда: ёшларга стратегик ресурс, мамлакатнинг бугуни ва келажаги тараққиётининг мобил ижтимоий кучи сифатида қаралмоқда.

### **Тадқиқот методологияси.**

Илмий тадқиқот олиб бориши жараёнида қиёсий таҳлил, гурухлаш, тизимли, тарихий ёндашувлар, умумлаштириш, статистик таҳлил, абстракт-таҳлилий усуллар ва бошқалардан фойдаланилди.

- мавзунинг долзарблиги изоҳланган ҳолда, ёшларни ўрганишга бўлган бугунги кундаги фанлараро муносабатлар асосланган;
- ҳар хил фанларнинг ёшларни ўрганишга бўлган ёндошувлар қиёсий таҳлил қилинди;
- тадқиқотнинг дастлабки босқичидан унинг охирги босқичигача қиёсий таҳлил, Ўзбекистонда ёшларни ўрганиш, шунинг натижасида илмий хуросалар қилинди;
- маълумот, кўрсаткичларни таҳлил ва синтез қилишда статистик усуллардан фойдаланилди.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Инсонларнинг ёши билан боғлиқ жараёнларни ўрганишга қадимдан турли хил ёндашувлар мавжуд. Қадимги мутафаккирлар инсон умрининг ҳаётийлик даврини йил фаслларига қиёслашган. Масалан, Пифагор инсон умрининг 20 ёшгача бўлган болалик ва ёшликни қамраб олувчи даврини «баҳор», «ёз» 20 ёшдан 40 ёшгача, сермаҳсул етуклиқ ҳисобланган «куз» 40 ёшдан 60 ёшгача давом этади деб таърифлайди<sup>29</sup>. Ҳақиқатдан ҳам инсон умрининг бошланиш даври баҳор фаслига ўхшайди. Фарзанднинг дунёга келиши (баҳорда табиатнинг уйғонишига), унинг ҳаракатлари (дараҳтларнинг куртак чиқаришига), илк қадам олишлари (ниҳолларнинг илдиз олишларига) бу фикрларнинг исботидир.

Шу ўринда ёшларнинг ёш гуруҳидаги ўрганишларни ретроспектив<sup>30</sup> таҳлилдан бошлаш ўринлидир.

<sup>29</sup> Молодежь в социально – демографической структуре общества (социально-демографический портрет молодежи). [https://mobile.studbooks.net/612110/sotsiologiya/molodezh\\_sotsialno\\_demograficheskoy\\_strukture](https://mobile.studbooks.net/612110/sotsiologiya/molodezh_sotsialno_demograficheskoy_strukture)

<sup>30</sup>Ретроспектив ўрганиш- у ҳозирги кунни тушунишга имкон берадиган хронологик таҳлилни ўрнатиш учун ўтган воқеаларг ақаратилган тадқиқот методологиясидан иборат. "Ретроспектив" сўзи лотинча сўздан келиб чиққан ретросписёре, "орқага қараш" деб таржима қилиниши мумкин бўлган феъл. Шу сабабли, ўтмишда содир бўлган иш,

Гиппократ (милоддан аввалги 3-аср) инсон ҳәётини нол ёшдан бошлаб ҳар бири 7 йиллик ўн даврга ажратган. Унинг даврийлиги инсон ҳәётининг физиологик даврларига асосланган эди. Солон (635- милоддан аввалги 559 йиллар) эса одамлар ҳәётининг қуидаги босқичларини аниқлади: ёшлиқ (14 ёшдан), жисмоний кучнинг гуллаши (21-28 ёш), тўлиқ ақлий камолот (35-42 ёш)<sup>31</sup>.

Инсон умри даврлари тўғрисида фикр юритилганда буюк шоир Алишер Навоий (1441-1501й.)нинг қуидаги мулоҳазаларини келтириб ўтиш ўринлидир: «етти-секкиз ёшдин йигирма ёшқача... умр фусулининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанинг шукуфаву гулзоридур», «йигирмидин ўттуз бешгача... бу фусулнинг ёзидурким, йигитлик чашмасорининг ҳаётбахшлиғининг оғозидур», «ўттуз бешдин қирқ бешга дегинча бу фусулнинг хазонидурким, тириклик боғининг баргрезининг нишонидур», “Ва қирқ бешдин олтмиш яқиниғичаким таъян қылса бўлғайким, бу фусулнинг қишидурким, кишининг ҳам қад била йўлига кириб, замон аҳли била хайрбод қилишидур” (Навоий, 1988).

Ўсмирлар энди бола эмас, лекин улар ҳали катта ҳам эмас. XXI аср эҳтиёжларига жавоб берадиган янги, замонавий ёшлар назариясини белгилаш зарурати пайдо бўлди. Биз ҳозиргача асосан Платон, Виргил, Пифагор, Гиппократ, Солон томонидан ишлаб чиқилган ёш фалсафасидан фойдаланамиз. Айни пайтда жамият ва унинг ривожланиш суръати ўзгарди. Бизнинг фикримизча, ёшлар ҳақидаги ғоялар яна фалсафалаш мавзусига, индивидуал ва ижтимоий ҳаёт назариясининг предметига айланиши керак. Чунки, ёш жинсдан фарқли ўлароқ, ўзгарувчан миқдор бўлиб, у доимо ортиб боради.

Ўз даврининг етук олимлари томонидан берилган фикрлар илмий жиҳатдан таснифланганда, ёш гуруҳларини ўрганишда биологик (Энциклопедия, 2002), хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, демографик нуқтаи назардан ёндашиш мумкин.

### **Таҳлил ва натижалар мұхқомаси.**

Ёшлиқ аниқ тарихий ҳодисадир. Ҳар бир давлат ўзининг ривожланиш даражаси, маданияти ва анъаналарига қараб ёшлар ҳақидаги ўзига хос ғоя ва концепсияга эга. Бундан ташқари, “Ёшлар” тоифасини аниқлашда фанлараро ёндашувдан фойдаланиш жуда асосли, чунки ёшлар - ёшга боғлиқ психологик хусусиятлар, ёшнинг физиологик хусусиятлари, ижтимоий ва шахсий ҳаётни ташкил этишда нисбатан мустақилликка эга бўлган жамиятнинг ёш гуруҳи. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, ёшлар жамиятнинг энг динамик қисми бўлиб, улар нисбатан қисқа вақт ичиде сезиларли даражада ўзгарида.

**Социологияда** ёшлар кенг маънода ёш хусусиятлари ва улар билан боғлиқ асосий фаолият турлари асосида аниқланган жамият гуруҳи сифатида таърифланади. Тор маънода эса, ёшларнинг ижтимоий мавқейининг ёшга боғлиқ хусусиятлари, жамиятнинг ижтимоий тузилишидаги ўрни ва вазифалари, ўзига хос манфаат ва қадриятлар асосида аниқланган ижтимоий – демографик гуруҳ сифатида изоҳланади (Энциклопедия, 2002). Шу билан бирга, “ёшлиқ” атамаси ёшга қараб белгиланадиган ижтимоий мавқени билдиради.

**Психологияда** ёшлиқ - бу ижтимоийлашув, ассимиляция даврини бошдан кечираётган ва етук ёшда, таълим, касбий, маданий ва бошқа ижтимоий функцияларни ўзлаштирган авлод.

Грейс Крайг, Дон Бокумнинг “Психология развития” (2006 й) китобида инсоннинг ҳаётий йўли қуидаги даврларга бўлинади (Дўстмуҳамедова, Нишанова ва бошқ., 2013):

1. Перинатал давр - ҳомила пайдо бўлгандан боланинг туғилишигача бўлган давр.
2. Гўдаклик - туғилгандан 18-24 ойликкача (2 ёшгача) бўлган давр.

ривожланиш ёки ҳодисани ҳисобга олган ҳолда, ретроспективни аниқлаш мумкин. (<https://uz.warbletoncouncil.org/estudio-retrospectivo-8858>)

<sup>31</sup> Молодежь в социально – демографической структуре общества (социально-демографический портрет молодежи). [https://mobile.studbooks.net/612110/sotsiologiya/molodezh\\_sotsialno\\_demograficheskoy\\_strukture](https://mobile.studbooks.net/612110/sotsiologiya/molodezh_sotsialno_demograficheskoy_strukture)

3. Ҳаётнинг дастлабки 2 йили (тоддлер босқичи) - 12-15 ойдан 2-3 ёшгача бўлган давр.

4. Илк болалик - 2-3 ёшдан 5-6 ёшгача бўлган давр.
5. Ўрта болалик - 6-12 ёшгача бўлган давр.
6. Ўсмирилик ва ўспиринлик - тахминан 12-18-27 ёшгача бўлган давр.
7. Илк катталик - 18-21 дан то 40 ёшгача бўлган давр.
8. Ўрта катталик - 40 дан 60-65 ёшгача бўлган давр.
9. Кечки катталик - 60-65 дан умр охиригача бўлган давр.

Америка психологи Э.Эриксон инсон умрини 8 та даврга ажратади ва улар ўзига хос, бетакор хусусиятларга эга деб ҳисоблайди (Дўстмуҳамедова, Нишанова ва бошқ., 2013).

1 - давр. Илк гўдаклик (туғилгандан 1 ёшгача). Бу даврда ташқи дунёга “Онгиз ишонч” туйғуси вужудга келади. Бунинг асосий сабаби ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонкуярлигидир. Агар гўдакда бу ишонч пайдо бўлмай қолса, она болага ёмон муносабатда бўлса, вояга етганда умидсизлик вужудга келади.

2 - давр. Кечки гўдаклик (1 ёшдан 3 ёшгача). Ярим мустақиллик ва шахсий қадр-қиммат туйғуси шаклланади. Бу эса ўз танасини бошқариш учун кенг имконият яратиб, интизом, масъулият, жавобгарлик, ҳурмат туйғулари таркиб топшишига замин ҳосил қиласди.

3 - давр. Илк болалик (3-5 ёшгача). Аномал ривожланиш: инсонларга бефарқлик, ташаббуснинг сустлиги, бошқа болаларга ҳасад, бекарорлик. Ташаббус туйғуси, қандайдир ишни бажариш майли таркиб топади, гуруҳий ўйинлар, тенгқурлари билан мулоқотга киришиш муҳим аҳамиятга эга.

4 - давр. (5-11 ёшгача). Бу давр мақсадига эришиш учун интилиш, уddабуронлик ва тиришқоқлик билан характерланади. Салбий томонлари - онг ҳаётнинг барча қирраларини қамраб ололмайди, муаммоларни ҳал қилишда ақл заковат даражасининг пастлиги, билимларни ўзлаштиришдаги қолоқлик.

5 - давр. (11-20 ёшгача). Ўсмирилик ва ўспиринлик, ҳиссий етуклиқ. Бетакор, ўзига хос ёш даври. Салбий томони қатъиятсизлик.

6 - давр. (20-45 ёшгача). Илк (эрта) етуклиқ. Бошқа жинсга психологик интим яқинлашув қобилияти ва эҳтиёжи вужудга келади. Бундан ташқари ёлғизлика мойиллик ва одамовилик каби ёқимсиз хусусиятлар билан фарқланади.

7 - давр. Ўрта етуклиқ даври (40-60 ёшгача). Ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнат, ижодиёт, ғамхўрлик, авлод қолдириш, тажриба узатиш) маҳсулдорлик туйғуси ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки бўлади.

8 - давр. Кечки етуклиқ (60 ва ундан юқори). Ҳаётдан қаноатланиш туйғуси билан характерланади. Ўтган умри ҳақида ўйлаш, ўлимга тик қараш ва ундан қўрқмаслик. Салбий томони - ҳаёт фаолиятидан ноумидлик, кўнгил совиш туйғулари. Умрни бекорга ўтказганидан қайғуриш, вақтни тез ўтаётганидан, ўзидан, бошқалардан қониқмаслик, умрини бошқатдан яшашга хоҳиш, ҳаётдаги бетартиблиқдан ранжиш, ўлимдан қўрқиш.

Немис **физиологи** М. Рубнер (1854-1932) ёшнинг қуидаги даврийлигини таклиф қилди: болалик - 7 ёшгача, кеч болалик - 13-14 ёшгача; ўсмирилик - 19-21 ёшгача, етуклиқ - 41-50 ёшгача; кексалик - 50 ёшдан, ҳурматли кексалик - 70 ёшдан. Немис олими Л.Ашофф (1868-1942) қуидагиларни ажратиб кўрсатди: ўсмирилик - 14 ёшгача, йетилиш йиллари - 25 ёшгача, етуклиқ ёши - 45 ёшгача; қурилиш бошланиши - 65 ёшгача, қарилек ёши - 85 ёшгача; ҳурматли қарилек - 85 ёшдан кейин.

Замонавий инглиз физиологлари беш даврни ажратадилар: эрта болалик - 7 ёшгача, ёшлик 25 ёшгача, етуклиқ 35 ёшгача ва 50 ёшдан кейин қарилек.

Шуни ёдда тутиш керакки, ёшлар турли ижтимоий қатламларда намоён бўлади. Уларнинг хулқ-атвори сезиларли даражада уларнинг ижтимоий синфиға, маълумотига ва маданиятига боғлиқ. Ёшларнинг жамиятдаги роли нафақат сон жиҳатдан, балки унинг билими, онглилиги, сиёсий фаоллиги, ёшга хос бўлган очиқ кўнгиллиги ва қарама-қарши

маданиятга интилиши туфайли ҳам доимий равища ошиб бормоқда. Ёшларнинг ижтимоий ва психологик хусусиятлари Ўзбекистоннинг ривожланишида ижобий йўналиш омили сифатида ҳам, салбий йўналиш омили сифатида ҳам ҳаракат қилиши мумкин.

Ёшларнинг ёш гурухлари **хуқуқшунослик** нуқтаи назаридан қонунчиликда ҳисобга олинадиган омил саналиб, инсон қонун доирасида бирор бир жараёнда иштирок этишида унинг ёшига эътибор қаратилади. Бундан ташқари, 18 ёш биологик нуқтаи назардан қараганда ўспиринлик даври ҳисобланса, хуқуқшунослик нуқтаи назаридан балоғат ёши ҳисобланиб, шахс сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдалана олиш ҳуқуқига эга бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида никоҳ ёши йигит ва қизларимиз учун 18 ёш этиб белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодексига мувофиқ ишга қабул қилишга 16 ёшдан йўл қўйилади. Инсоннинг неча ёшдалигини фуқаролик ҳолатлари хужжатларини қайд этиш идоралари берган гувоҳнома тасдиқлайди (Энциклопедия, 2002).

Ёшларнинг ёш гурухлари **ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан** қўйидагича таснифланади:

1. Болалар (0-15 ёш) - меҳнат жараёнида иштирок этмайдиган, лекин меҳнат салоҳиятининг келгуси ва истиқбол кўрсаткичларини белгилаб беради.

2. Ўсмир ёшлар (16-24 ёш) – академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларида таълим олаётганлар ва меҳнат фаолиятининг бошланғич қўринишига эга ҳисобланади.

3. Ўрта ёшлилар (25-30 ёш) – меҳнатга лаёқатли аҳолини асосий қисмини ташкил этувчи, аксарият қисми ҳаёт йўлларини танлаб олган, оиласи ва жамиятда маълум бир ютуқларга эришган ҳисобланади.

**Демографик ёндашууда** эса аҳолини ёш гуруҳи бўйича ёшлар, ўрта ёшдагилар ва кексаларга бўлинади. Демограф олим Пресса (1996) ҳам “бу уч гуруҳ жамиятда турли ролларни бажаради ва аниқ табақалаштирилган эҳтиёжларга эга”, деб таъриф беради.

Швед демограф олими Г.Сундберг эса аҳолининг ёш таркибига қараб уч турга бўлган:

1. Прогрессив - ёш таркибида аҳоли умумий миқдорида болалар (0-14 ёшдаги) салмоғи қарияларга (65 ёш ва ундан юқори) қараганда юқори.

2. Стационар- ёш таркибида аҳоли умумий миқдорида қариялар салмоғи ёшлар билан тенг.

3. Регрессив - ёш таркибида аҳоли умумий сонида қариялар салмоғи болаларга қараганда юқори бўлади (Абдалова, Тожибоева, 2013).

АҚШлик демограф Френнель (1945) эса швед демограф олими Г.Сундбергдан фарқли равища аҳолини ёш гуруҳини қўйидагича: 1) 5-15 ёшдагиларни ўсмирлар, 2) 15-24 ёшдагиларни илк ёш, 3) 25-44 ёшдагиларни – асосий иш ёши, 4) 45-65 ёшдагиларни – ўрта ёш, 5) 65-74 ёшдагиларни – пенсияга эрта чиқиш ёши, 6) 75 ва ундан катта ёшдагиларни қарилек ёши, деб таснифлайди.

Демограф олим Боуг (1959) эса АҚШлик демограф Френнель (1945) услуби каби таърифлади, лекин у инсоннинг энг кичик ёш гуруҳини 5 ёш эмас балки, 9 ёш деб белгилади ва аҳолини ёш гуруҳини қўйидагича таърифлаб беради. 1) 9-17 ёшдагилар – ёшлар, 2) 18-24 ёшдагиларни-илк етуклик, 3) 25-44 ёшдагилар – етуклик, 4) 45 – 64 ёшдагилар – ўрта мўйсафидлик, 5) 65-74 ёшдагилар – илк қарилек, 6) 75 ва ундан юқори ёшдагиларни – қарилек деб гурухлайди.

Юқорида таърифлаб ўтилган таснифлардан фарқли иқтисодчи социолог Розенмайер (1968) айнан ёшларни, яъни 13-24 ёшдагиларни икки гурухга ажратади. Улар: 1) ўсмирлар бўлиб, унга 13-18 ёшдагилар; 2) етуклик ёшидагилар 18-24 ёшдагилар киради деб ҳисоблайди.

Аҳолишунослик энциклопедик луғатида эса ёшларнинг ёш гурухлари қўйидаги даврларга бўлинган (1-жадвал).

## 1-жадвал

## Ёш таснифи

Календар ёш	Ёш гурухларининг ҳаёт даври
1-7 кун	Янги туғилганлик
7 кун- 1 ёш	Чақалоқлик
1-3 ёш	Илк болалик
4-7 ёш	Биринчи болалик
8-12 ёш (ўғил болалар)	Иккинчи болалик
8-11 ёш (қиз болалар)	
13-16 ёш (ўғил болалар)	Ўсмирлик
12-15 ёш (қиз болалар)	
17-21 ёш	Ўспиринлик
16-20 ёш	
22-35 ёш (эркаклар)	Етукликтин биринчи босқичи
21-35 ёш (аёллар)	

**Манба:** Народонаселение: Энциклопедический словарь. Москва, 1994. -С.461.

Бугунги кунда эса Ўзбекистоннинг демограф олимлари ёшларнинг ёш гурухларини қуйидагича тасниф беради (2-жадвал).

## 2-жадвал

## Ёшларнинг ёш гурухларини ёш таснифи

Давр	Календар ёш	Ёш гурухларининг ҳаёт даври	
I.	0-6 ёш	Мактабгача бўлган ёш	
II.	7-17 ёш	Мактаб ёши	1.7-10 ёш- кичик мактаб ёши
			2.11-13 ёш- ўрта мактаб ёши
			3.14-17 ёш- катта мактаб ёши
III.	18-30 ёш	Фуқаролик ёши	1.18-20 ёш- кичик фуқаролик ёши
			2.21-24 ёш- ўрта фуқаролик ёши
			3.25-30 ёш- катта фуқаролик ёши

**Манба:** Ўзбекистон ёшлари : ижтимоий қиёфа. Тошкент-2008. 12-Б.

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги қонунда эса ёшлар тоифасига 14-30 ёшдагилар кириши кўрсатилган<sup>32</sup>. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги меҳнат билан машғулларни 16 ёшгacha бўлган болалар ҳамда 16-29 ёшдаги ёшларга ажратади. Яъни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан ёшларни учта демографик гурухга ажратилади:

1. 16-19 ёшдагилар;
2. 20-24 ёшдагилар;
3. 25-29 ёшдагилар.

Бу демографик кўрсаткичлар Ўзбекистон аҳолисини ёш гурухларини ажратиб кўрсатишда ҳам ўз ифодасини топади.

**Хунос ва таклифлар:**

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, ҳар бир фан вакиллари, ҳар бир олим ёш гурухларига, хусусан ёшлар ёшини ифодалашда инсон умрини ижтимоий етуклиқ, меҳнат қилиш қобилияти, имконият даражаси, касбда ўсиш, малака ошириш каби белгиларига аниқлик киритишга ҳаракат қилган.

Ёшларнинг ижтимоий кўрсаткичларининг ягона халқаро таърифи мавжуд эмас, гарчи улар турли қитъалардаги ёшларнинг умумий аҳоли сонидаги умумий ва маҳсус

<sup>32</sup> “Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсати” тўғрисида, “Халқ сўзи” газетаси, 1991 йил 13 ноябрь.

мавқейини аниқроқ аниқлаш, ҳар бир даврда маълум бир тарихий даврнинг асосий тенденцияларини аниқлаш учун зарур бўлса-да. мамлакат, минтақа. Ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун оптимал ёшлар кўрсаткичларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Кўрсаткичлар тизими ёшлар муаммоларини яхшироқ тушуниш, уларнинг ижтимоийлашув даражасини, жамиятдаги роли ва ўрнини баҳолаш имконини беради. Бунда демографик, ижтимоий-иктисодий ва этник омилларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Демак, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёшларнинг ёш гуруҳига демографик нуқтаи назардан ёндашилганда, аҳолининг бугунги ёш таркиби кечаги аҳоли тақорор барпо бўлишининг натижаси ва келажакдаги демографик ривожланишнинг асоси бўлиб хизмат қиласди. Яъни кеча, бугун, эртага юз берадиган демографик жараёнлар бир бири билан боғлиқ.

### **Адабиётлар:**

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсати” тўғрисида, “Халқ сўзи” газетаси, 1991 йил 13 ноябрь.

Rozenmayer L. (1968) Towards an overrieiv of youth sociology – “Intern. Soc. Sci. J”, vol, XX, №2, -P.287.

Абдалова З.Т., Тожибоева З.Н. (2013) Иктиносидий география. – Т., , 53-б.

Алишер Навоий. (1988) Мукаммал асарлар тўплами. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. -Т.: “Фан”, -Б. 19.

Bogue D. (1959) The population of the United States. – Clencoe, -P.21.

Дўстмуҳамедова Ш.А., З.Т.Нишанова, С.Х.Жалирова, Ш.Т.Каримова, Ш.Т.Алимбаева (2013) “Ёш даврлари ва педагогик психология” Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Олий педагогика ўқув юртлари учун дарслик сифатида тавсия этган Тошкент. 52-бет., 55-бет.

Пресса Р. (1996) Население и его изучение . -М.: “Статистика”, -С. 267.

Френкель З.Г. (1945) Удлинение жизни и деятельное старость. -Ленинград.: «Экономиздат», -С. 144.

Энциклопедия (2002) Ўзбекистон миллий энциклопедияси Зтом «Ўзбекистон миллий энциклопедия» Давлат илмий нашиёти, -Т., 493-бет.

Энциклопедия (2003) Социологическая энциклопедия. В 2-х т. Т. 1. — М. , 2003. — С. 674-676.